

КИЧИК КАЛИБРЛИ МИНОМЁТЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

подполковник М.Косимов
ЎР КК БШ Артиллериya бошқармаси

Миномётлар қурол- яроғ синфи сифатида Иккинчи жаҳон уруши йилларида кенг тарқалиб шаклланди. Ана шу даврда бу қурол тури пиёдалар бўлинмалари тактик бўғинини (взвод, рота, батальон) артиллериya воситалари билан ўтли қўлловчи асосий бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида унинг деярли барча қатнашчилари турли миномётлар билан қуролланган эди. 1940 йил 1 августига Қизил армияда 82-мм калибирили 5543 миномёт бўлган бўлса, Вермахт қисмларида 1941 йилнинг 1 июня 11767 миномёти бор эди. (ҳар бир пиёдалар батальонларининг пулемёт ротасида 6 тадан 81-ммли). 50, 60 ва 81 (82) – ммли миномётлар пиёдалар роталари ва батальонларининг штатидаги артиллериya системасига айланди. (*1-расм. Улуг ватан урушидаги 1938 йилда ишланган 82-ммли миномёт расчети.*)

Пиёдаларнинг миномётларни танлашига сабаб қўйидаги факторлардир:



Биринчидан, миномётлар етарли даражада уруш аниқлигига ва отиш узоқлигига эга бўлиб, жангда душманнинг зирҳланмаган қурол-яроғлари ва техникаси, ҳамда жонли кучларини ишончли шикастлай олади.

Иккинчидан, у нисбатан яширин ўт отиш имконини беради (ёпиқ отиш позицияси ва отиш онидаги чиқадиган товушнинг пастлиги душман томонидан расчётни пайқашни қийинлаштиради).

Учинчидан, юқори даражадаги тезотарлик - дақиқасига йигирмагача отиш имкони, бу ўз навбатида жангнинг тиғиз онларида ўтнинг юқори даражадаги зинчлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, қурол ва ўқ-дориларнинг кичик вазни пиёдалар бўлинмаларининг имкониятларини оширади ва уларнинг қўлловчи артиллериядан боғлиқлигини пасайтиради. Маълумки, қўлловчи артиллериya командалари ўтиши вактига ва ҳавфсиз узоқлашиши радиуси камайганда ўз қўшинларимизни шикастлаш мумкинлигининг ортиши уни самарадор қдолмайди.

Учта асосий қисмга (ствол, тиргак ва таянчплита) ажраладиган 81/82-ммли миномётнинг ўртача вазни 50 кг атрофида. Унинг прchalанувчи - фугас минаси вазни 3.2 дан 4.4 кг гачадир.

(*2-расм. Совет итифоқи даврида 1943 йилда ишлаб чиқарилган 82 мм батальон миномёти*)



Миномётларнинг жанговар қўлланилиши дастлаб 1904 йилда Порт-Артур мудоафасида амалга оширилади. Бу Рус армияси артиллериya генерал-лейтенантни Л. Н. Габято конструкциялаган миномётдир.

82-ммли биринчи совет миномёти БМ-37 номи билан 1936 йилда Қизил армия қуроли сифатида қабул қилинди. Б. И. Шавқриннинг СКБ-4 ида (Лининград) ишлаб чиқариши ва эксплуатацияда анча содда бўлган 82-ммли БМ-37 батальон миномёти

яратилди. Батальон миномётлари (бу тушунча остига барча күтариб юрадиган 81 ва 82-ммли системалар киради) жанг вақтида пиёдалар ротаси ва батальони командирлари құл остида турган.

БМ-37 нинг биринчи жанговар құлланилиши Холхин-Гол дарёси районидаги Япон босқинчиларига қарши жангда содир бўлиб, душманнинг окопларда ва адирликлар қияликларда жойлашган кучларини йўқ қилиш билан пиёдаларга тенгсиз ёрдам кўрсатди.

Улуғ ватан уруши йилларида 82-ммли батальон миномётларининг 1937, 1941 ва 1943 йиллар намуналари ўқчи батальонлар қурол-аслаҳаларининг таркибида бўлиб, ўқчи роталарни ўтли қўлловчи асосий воситалалардан бири бўлди. 82-ммли батальон миномётининг 1943 йил намунаси узоқ урушдан кейинги йиллар давомида ишлаб чиқарилиб, Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ давлатлари армиялари қурол-аслаҳалари таркибида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

81/82-ммли миномётларни калибри бўйича класификация қилиш алохидә эътибор қилишга лойиқ. Аслида бу қуроллар бир хил калибирлидир. 82-ммли миномёт фойдасига шуни айтиш керакки Улуғ ватан урушида совет расчётларикўп холларда отиш учун немисларнинг 81-ммли миналаридан фойдаланилган.

Совет батальон миномёти тараққиётига 1979-1989 йиллар Афғонистон уруши ўз ҳиссасини қўшди. 1970 йиллар бошида Совет армиясининг 1937/1943 йиллар намунаси БМ-43 асосий миномёти Қуруқликдаги қўшинлар қурол-яроғлари сафидан чиқарилди. 1970 йилларнинг охиригача СССР ҚҚ раҳбарияти 82-ммли миномёт учун “ядро-ракета” жой топа олмади.

У фақат ҳаво десанти қўшинларида қолиб, Қуруқликдаги қўшинларда тўлиқ 120-ммли миномётлар билан мотоўқчи батальонларнинг миномёт батареялари қуроллантирилди. Аммо Горкий машинасозлик заводи КБ сида ташаббус тарзда янги 2Б14 82-ммли миномёт устида ишлаш олиб борилди.

Афғонистонда бошланган урушда шу нарса аён бўлди, автоном тарзда фаолият кўрсатаётган пиёдалар бўлинмаларини ўтли қўллашга узоқдаги шатакка олинувчи ва ўзи юарар артиллериядан кўра күтариб юриладиган миномёт системалари самаралироқ.

Шу даврда Горкийда (Қўйи Новгород) 2Б14 82-ммли миномётнинг завод синовлари бормоқда эди. Ҳарбийларда зудлик билан шу миномётдан 100 дона етказиб беришга буюртма тушди, ва улар Афғонистонда полигон ва қўшин синовидан ўтди.

1983 йилда 82-ммли 2Б14 “Поднос” совет армияси қуроллари қаторига киритилди. Кейинроқ унча аҳамиятга эга бўлмаган конструктив ўзгаришлар билан унинг 2Б14-1 модификацияси яратилди. Афғонистондаги мотоўқчи парашути десант ва штурмчи десант батальонларининг миномёт батареялари қуроллари 82-ммли БМ-13 ва 2Б14 “Поднос” миномётлари эди. (3-расм. 82 мм 2Б14 “Поднос” миномёти)

80- йиллардан бошлаб Афғон қузғалончилари хам

82 мм миномётларни қўлладилар. Уларнинг 53-типпдаги асосий миномётлари БМ-43 совет миномётларининг хитойча варианти эди. Бундан ташкари Афғон қузғалончилари Хитой ва Покистонда ишлаб чиқарилган 60 мм бир хил 63-типпдаги ва Мб миномётларини хамда араб мамлакатларидан келаётган 82мм M69 югослав миномётларини қўллаб келдилар.



1987- йилдан бошлаб Афғон қўзғолончилари 60 ва 82 мм системалардан ташқари АҚШ орқали испанларнинг 120мм “Эсиа” миномётларини ола бошладилар.

Қўзғолончилар томонидан бу миномётларнинг қўлланиши совет қўшинлари учун катта муаммоларни келтириб чиқарди. Илгариги дехқонлар, хунармандлар ва талабалар миномёт қуролларини покистон ва эрондаги ўқув марказлари ва лагерларида ўқиб эгалладилар, 1987 йилнинг 27 ноябри куни Асадободдаги Совет ва Афғон қўшинлари ва гарнizonи мужоҳидлар ихтиёридаги барча артиллерия системаларидан массив ўтли ёпирилишга учради. Бунинг ҳаммаси M-8 вертолётининг ҳавода “Стингер” ПЗРКси билан уриб туширишдан бошланди. Шундан сўнг қўзғолончилар гарнizonга ва шаҳарнинг аҳоли яшайдиган кварталларига 107-ммли реактив снарядлардан ўт отдиilar ва унинг панасида 82-мм ва 120 ммли миномётларни ўт мэррасига олиб чиқдилар. Ана шу Асадободда Афғон қўзғолончилари томонидан 120-ммли “Эсиа” миномётлари қўлланилгани факти тасдиқланади.

120-ммли “Эсиа” миномёти Испанияда ишлаб чиқарилганига қарамай америкалик келиб чиқишига эга эди. Гап шундаки, шу вақтда АҚШда дengiz қўшинлари Корпусига экспедиция қўшинларини НАТОнинг стандарт 120-ммли миномёт ўқ-дорилари билан таъминлаш мақсадида 120-ммли миномёт системасини қуроллар сафига киритишли (АҚШ армияси ўша даврда фақат 60, 81 ва 106.7ммли миномётлар билан қуролланган эди). Улар испан миномётини танладилар. Ана шу миномётни олиш мақсадида Афғонистонда синовдан ўтказдилар.

120-ммли миномётларни Афғонистонда совет қушинлари ҳам қўллашди, аммо 82-ммли “Поднос” батальон миномётлари совет қўшинларига катта шуҳрат қозонишга сазовор бўлиши. Совет пиёдалари тоқقا кетаётib, уни унитишмас эди. (*4-расм. “Поднос” расчети қўзғолончилар позицияларига қарата ўт отмоқдалар. Афғонистон, 80-йиллар*).

Дунё замонавий армиялари қуроллари орасида 60-ммли рота миномёти алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг номининг ўзи айтиб турибдики, у рота бўғинини ўтли қўллашга, яъни пиёда роталар взводларини бевосита ўтли қўллашга мўлжалланган.



Замонавий жанговар ҳаракатларда, айниқса маҳаллий (локал) урушлар, қўролли можоролар давомида қисмлар, бўлинмаларнинг кичик тактик бўғинлар бўлинмаларига парчаланишининг турғун тенденцияси кузатилмоқда. Бундай шароитларда кичик пиёда бўлинмалар душман кучларини шикастловчи ўз самарали воситаларига эга бўлиши керак бўлмоқда.

Охирги ўн йилликларда яратилган штурм қуроллари системалари (реактив танкка қарши ва штурм гранаталари, реактив танкка қарши гранатамётлар ва оғнемётлар) ва ўтли қўллаш қуроллари (йирик калибрли пулемётлар ва снайперлик милтиқлари, стволости ва автоматик гранатамётлар, кўтариб юриладиган танкка қарши ракета комплекслар ва ортга кетмас қуроллар) жанг майдонида кичик калибрли миномёт ўрнини боса олмайди. Яқин жангда окоплар, ернинг эгри-буғриликлари, баландликларнинг орқа қияликлари, уйлар ва деворлар ортида жойлашган душманни йўқ қилишда тенги йўқдир. Замонавий жангда рота миномётлари олдида ана шундай вазифалар туради. Бунда миномётчиларнинг пиёдалар жанговар тартибида жойлашуви командирларга ўтни бошқаришни


осонлаштиради, тез ўзгарувчан жанговар шароитга оператив таъсир ўтказиш имконини беради.

Айрим армияларда калибирли миномётларнинг йўқлиги взвод-рота бўғинидаги пиёдалар бўлинмалари қуроллари системасида стволости ва автоматик гранатамётлар мавжудлиги билан аргументланади. Аммо

60-ммли парчаланувчи минанинг куч-қувват коэффиценти гранатамётнинг 30 ва 40-ммли парчаланувчи гранатаникidan бир неча марта юқори бўлиб, душманнинг дала турида паналанган пиёдалари ва ўт отиш воситаларини ишончли йўқ қилиш, душманнинг техника ва ўт отиш воситаларини шикастлаш даражасини кўтаради. Рота миномёти стволости гранатамётини узоқлик бўйича 3-5 баробар ортда қолдиради, бир хил отиш узоқлигига эса автоматик гранатамётдан вазн-ҳажм ўлчовлари бўйича бир неча баробар устун туради. Масалан, 30-ммли АГС-17 автоматик гранатамётнинг мўлжаллагиши билан вазни 30.5 кг бўлса, 60-ммли миномётники 18 кг дир.

60-ммли кўтариб юриладиган миномётга эга кам сонли разведка-деверсант гурӯх, душман ичиди, ўзининг асосий кучларидан анча узоқда ўз миномётининг ўтли кучига таяниб, фаолият юритиши мумкин. (**5-расм. 60-ммли миномёт**).

2000 йиллар бошида Россия конструкторлари ГРУ буюртмаси асосида шовқинсиз 82-ммли БШМК 2Б25 миномёт комплексини ишлаб чиқди. Унинг массаси 12 кг атрофига, отиш узоқлиги 1200м. Бунда унинг минаси парчаланувчаник-фугас минаникidan самаралироқ, отишда чиқадиган товуши болғани ёғочга урушдагидан катта эмас.



Аниқ равшан бўлдики, 82-ммли батальон ва 60-ммли рота миномётлари замонавий юқори технологик урушда ўз аҳамиятини йўқотмади. Кўтариб юриладиган миномётни катта калибрли миномёт билан алмаштириб бўлмайди. XXI асрнинг пиёдаларни кўлловчи бошқа қуроллари шу жумладан аниқ урувчи қуроллар ҳам, унинг ўрнини боса олмайди.

Миномётларнинг XX – аср урушлари ва можороларида қўлланилиш тажрибаси қўйидаги хulosаларга олиб келади:

Замонавий кенг қамровли харакатларга ёйилмайдиган локал уруш ва можороларда жанговар ҳаракатлар одатда чекланган ва етиш қийин бўлган ҳудуд қисмларида олиб борилгани учун бўлинманинг ихтиёридаги кўчма воситалар билан душманга тез, қўйқисдан ва қудратли ўтли таъзиқ ўтказиш керак бўлади. Шундан келиб чиқиб, қуролли кучларни кичик калибирли, айниқса 60-ммли миномётлар билан қуролланган. Бу ўз навбатида мотоўқчи бўлинмаларининг ўт отиш қувватини ошириш ва улар бажарадиган вазифалар спектрини кенгайтириш имкониятини беради.